

## Микроқарз шартномаси № \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

\_\_\_\_\_ 2025 й

«CASH U MIKROMOLIYA TASHKILOTI» МЧЖ, бундан буён «Микромолия ташкилоти» деб номланувчи, Низом ва асосида фаолият юритувчи, Ижрочи директор . О.Х.Юлдашев номидан бир тарафдан ва ўз манфаати йўлида ҳамда ўз номидан ҳаракат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси \_\_\_\_\_ (паспорт рақами \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_, ПИВ \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_ йилда берилган ), бундан буён “Қарз олувчи” деб номланади, бошқа тарафдан, биргаликда “Тарафлар” ёки алоҳида “Томон” деб номланувчилар, Қарз олувчи томонидан \_\_\_\_\_ йил микроқарз олиш учун ариза берилганлигини ҳисобга олиб, ушбу Микроқарз шартномасини (бундан кейин – «Шартнома») қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Микромолия ташкилоти Қарз олувчига умумий миқдори \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) бўлган Микроқарзни \_\_\_\_\_ й дан \_\_\_\_\_ й.гача бўлган муддатга нақд пул ва/ёки пул ўтказмаси кўринишида ажратади.

1.2. Қарз олувчи муддатлилиқ, таъминланганлиқ, қайтарилувчанлиқ ва тўловлилиқ таъминотларига амал қилган ҳолда Микроқарздан фойдаланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Мазкур шарномани тузиш вақтида Қарз олувчи Шартноманинг моҳиятини ва шартномадан келиб чиқувчи юридик оқибатларини тўлиқ англаганлигини билдиради, шунингдек шартнома тузиш вақтида тушунмовчилик, ёлгон, зўравонлиқ, таҳдид остида эътиборини ҳамда номақбул келишув тузумаганлиги ва оғир вазиятда эътиборини тасдиқлайди.

### 2. Микроқарз бериш ва қайтариш тартиби.

2.1. Ушбу Шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган сумма миқдоридаги Микроқарз нақд пул ва/ёки пул ўтказмаси кўринишида берилади.

2.2. Микроқарз бериш ушбу шартнома тузилган ва Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 3-бўлимига мувофиқ гаров таъминоти таъминлангандан сўнг 10 календар кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.3. Микроқарз Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 1-иловасида кўрсатилган тўлов жадвалида (бундан кейин–Тўлов жадвали) белгиланган миқдор, тартиб ва муддатларда қайтарилади.

2.4. Микромолия ташкилоти Микроқарз берилган аниқ вақтдан бошлаб, Микроқарз миқдорининг қолдиқ суммасига \_\_\_\_\_% ( \_\_\_\_\_ ) фоиз йиллик ва йилига 365/366 кунлик ҳисобидан фоизлар ҳисоблайди. Тўлаш жадвалига мувофиқ асосий қарз бўйича навбатдаги тўлов бузилган ҳолларда, фоиз ставкаси ортади ва Микромолия ташкилоти муддати ўтган микроқарзнинг асосий қарз суммаси бўйича йиллик \_\_\_\_\_% ( \_\_\_\_\_ ) фоиз миқдорида фоизлар ҳисоблайди.

2.5. Қарз олувчи томонидан микроқарз ва ҳисобланган фоизлар миқдорини вақтида тўлаш бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган ва/ ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, қарз олувчи қарз берувчига биринчи 5 календар кун учун муддати ўтган қарз суммасининг 0 фоизи миқдорида, кейинги 6 кундан 30 кунлари учун муддати ўтган қарзнинг 0.5 фоизи

микдорида, кейинги 31 календар кунидан 60 календар кунлари учун муддати ўтган қарзнинг 1,0 фоизи микдорида ва 61 календар кунидан 120 календар кунлари учун муддати ўтган қарзнинг 2,0 фоизи микдорида жарима (пеня, неустойка) тўлаш мажбуриятини олади. Лекин жами ҳисобланган фоиз, жарима (пеня, неустойка) лар йиллик қарз микдорининг 50 фоизидан ошмаган ҳолатда ҳисобланади.

2.6 Қарз олувчи томонидан олинган Микроқарзни ва ундан фойдаланганлик учун фоизларни қайтариш бўйича муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлганда Қарз олувчи томонидан кўрсатилган қарздорликни тўлаш ҳисобига тўланадиган суммалар қуйидаги тартибда ҳисобланади:

.- асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;- жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;- неустойка (жарима, пеня);- кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари;- Микромолия ташкилотнинг бошқа зарарларини қоплаш."

2.7. Қарз олувчи Микромолия ташкилотининг Микроқарз бўйича асосий суммаси, ҳисобланган фоизларни, пеня ва бошқа молиявий талабларини ҳам нақд пул шаклида, ҳам нақдсиз шаклда қайтариб беради.

2.8. Қарз олувчи Микроқарз микдорини муддатидан олдин қайтариш, шунингдек, бу ҳақида Микромолия ташкилотини албатта огоҳлантирган ҳолда улардан аниқ фойдаланган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳуқуқига эга.

### **3. Микроқарз бўйича гаров таъминоти.**

3.1. Ушбу Шартнома бўйича тақдим этилган Микроқарз қуйидаги гаров билан таъминланади:

3.1.1. Микромолия ташкилоти, \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ да имзоланган \_\_\_\_\_-сонли Гаров предмети қийматини тасдиқлаш далолатномасига мувофиқ \_\_\_\_\_ автомашинаси (бундан кейин "Гаров предмети"), \_\_\_\_\_ га тегишли ва келишилган гаров қиймати \_\_\_\_\_ да имзоланган \_\_\_\_\_-сонли Гаров предмети қийматини тасдиқлаш далолатномасига мувофиқ \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сум ташкил қилади. Гаровнинг аниқ шартлари тегишли тарзда нотариал тасдиқланган гаров шартномаси билан белгиланади. Гаров объекти сугурталанмайди.

3.1.2 \_\_\_\_\_ суғурта компаниясининг кредит қайтмаслилиги хавфини полиси. Суғурта полисининг қиймати \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм. Тўлиқ шартлари Суғурта компания ва Микромолия ташкилоти ўртасида имзоланган келишувда кўрсатилиб ўтилган.

3.2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган, “Гаров предмети” ҳисобланган нотариал тасдиқланган гаров шартномаси Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома тузилгандан сўнг 10 банк куни мобайнида Микромолия ташкилотига тақдим этилиши лозим. Гаров шартномаси белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолларда, Микромолия ташкилоти Қарз олувчининг манзилига ёзма билдиришнома юбориш орқали микроқарз беришни рад этиш ва / ёки ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда ушбу шартнома Қарз олувчи томонидан талабнома олинган вақтда ёки талабнома почта хизмати орқали юборилгандан кейин учинчи куни бекор қилинган ҳисобланади.

3.3. Асосий қарзни, фоизлар ёки ушбу шартнома бўйича белгиланган муддатдан кечиктирилганлиги бўйича пеняларни қайтариш муддати кечиктирилиши юзага келганда ва/ёки ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятлар бузилиши ҳолатларида Микромолия ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қарзни ундириш учун қайтариб олинмайдиган ва муқаррар тартибда ундиришни гаров объектига қаратиш ҳуқуқга эга бўлади.

3.4. Микромолия ташкилоти Қарз олувчидан Микромолия ташкилоти фойдасига Гаров объектини ушбу Шартноманинг тўлиқ амал қилиш муддатига ҳар турли хавфлардан суғурта қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, суғурта хавфлари рўйхати, шунингдек, суғурта компанияси томонларнинг хоҳишига кўра белгиланади. Суғурта ҳодисаси юз берганда Фойда олувчи Микромолия ташкилоти бўлиши керак.

#### **4. Микромолия ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

##### ***4.1. Микромолия ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:***

4.1.1. Ушбу Шартномада кўрсатилган асослар бўйича Қарз олувчига Шартномада кўзда тутилган Микроқарз суммасини берилишини тўлиқ ёки қисман рад этиш.

4.1.2. Микроқарз бўйича қолган барча қарздорлик, фоиз тўловларининг муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилиш, шунингдек, қуйидаги ҳолатлардан бири юзага келганда ундиришни гаров таъминотига қаратиш:

- а) таъминотисиз қарздорлик юзага келганда;
- б) Микроқарз суммасига ҳисобланадиган асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва/ёки фоизларнинг юзага келиши;
- в) Қарз олувчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов қобилиятига эга эмас, муомалага лаёқатли эмас ёки муомалага лаёқати чекланган деб эълон қилиш;
- г) Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома шартларига амал қилмаслик;
- д) Қарз олувчи Микроқарз суммасини олиш учун Микромолия ташкилотига Микроқарз тақдим этилиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган масалалар бўйича ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этганлиги аниқланганда.

4.1.3. Ушбу шартноманинг амал қилиш жараёнида Қарз олувчининг молиявий ҳолатини текшириш ва Қарз олувчи томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш.

4.1.4. Қарз олувчи томонидан ёки ушбу Шартнома бўйича учинчи шахс томонидан таъминот сифатида гаровга қўйилган мол-мулкнинг тегишли ҳолатдалиги ва улардан фойдаланиш бўйича текширувлар ўтказиш.

4.1.5. Гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилган мол-мулк бузилган ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганда, бу эса Микромолия ташкилотининг ушбу Шартнома бўйича молиявий талабларини қондиришга қодир бўлганбозор қийматига маълум даражада таъсир кўрсатганда, ёки учинчи шахснинг (кафил) молиявий ҳолатининг ёмонлашуви сабабли ушбу Шартномадан келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавоб бериш қобилиятига эга бўлмай қолган ҳолатларда Қарз олувчидан таъминотнинг қўшимча турини тақдим этиш ёки алмаштиришни талаб қилиш.

4.1.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича асосий қарз, фоизлар, пеня ва бошқа пул мажбуриятларини ўз вақтида тўламаслик ҳолатларида, Қарз олувчининг мавжуд ва келгусида очиладиган банк пластик карточкаларидан ва бан ҳисобварақларидан (талаб қилиб олгунча, депозит, жамғариб бориладиган, пластик ва бошқа исталган ҳисоб рақамларидан) пул маблағларини акцептсиз тартибда ечиб олинishiга ва бунга Қарз олувчи қайтариб олинмайдиган ва сўзсиз розилик билдиради.

4.1.7. Қарз олувчини олдиндан огоҳлантирмасдан Микроқарзни қайтариш учун ҳақиқатдан ҳам гаров таъминоти мавжудлигини текширишни амалга ошириш.

4.1.8. Қарз олувчи тақдим этилган микроқарздан Шартнома тузилган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида фойдаланмаган ҳолатларда, бу ҳақда Қарз олувчини ёзма равишда хабардор қилиб, Шартнома бир томонлама бекор қилиш. Ёзма хабарни жўнатиш санаси уни тақдим этиш ёки почта орқали жўнатиш санаси ҳисобланади.

4.1.9. Олдинги микроқарз тўлиқ тўланмагунга қадар янги Микроқарз беришни рад этиш.

4.1.10. Микромолия ташкилоти ажратилган микроқарзлар бўйича бир йил давомида ҳисобланган фоизлар ва Шартнома шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни вақтида бажармаганлик учун ҳисобланган муддати ўтган қарздорлик учун фоизлар ва/ёки жарима (пеня, неустойка)ларнинг умумий миқдори мазкур шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган суммани 50 фоизидан ошиб кетишига йул қўйилмайди.

## **5. Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбурияти.**

### **5.1. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

5.1.1. Ушбу шартномада назарда тутилган шартлар бўйича Микроқарз олиш.

5.1.2. Шартнома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) ҳафта мобайнида Микромолия ташкилотига бу ҳақда ёзма хабарнома йўллаш орқали Микроқарзнинг фойдаланилмаган суммасидан воз кечиш.

5.1.3. Микроқарз хизматлари кўрсатиш қоидалари билан танишиш.

5.1.4. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан Микроқарз хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот олиш.

5.1.5. Шартнома бўйича Микромолия ташкилотининг мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик натижасида юзага келган зарарларни қоплашни талаб қилиш.

### **5.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

5.2.1. Микромолия ташкилотининг биринчи талаби билан зарур ҳужжатлар, шунингдек Микроқарздан фойдаланишнинг бутун даври давомида унинг молиявий ҳолати ва тўлаш қобилиятига тегишли бўлган маълумотларни тақдим этиш.

5.2.2. Ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда гаров таъминотини алмаштириш ёки қўшимча таъминот турини тақдим этиш бўйича Микромолия ташкилоти талабларини бажариш.

5.2.3. Тўлаш жадвалига мувофиқ Микроқарз, шунингдек ҳисобланган фоизлар тўловларини амалга ошириш.

5.2.4. Микромолия ташкилоти вакилларига ўзларининг молиявий ҳолати, яшаш жойини текширишга, Микромолия ташкилоти фойдасига гаровга қўйилган мол-мулк сақланишини текширишга рухсат бериш, шунингдек Қарз олувчи объектларидан исталганига ташриф буюриш ва ҳар қандай бино, иншоот, мол-мулк, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматлар, шунингдек уларнинг микроқарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган ҳужжатларни кўздан кечириш ва Микромолия ташкилоти томонидан ушбу ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини олади.

5.2.5. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашуви ва ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг Микромолия ташкилоти олдидаги мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва/ёки тегишли даражада бажарилмаслик хавфи юзага келишига олиб келувчи ҳеч қандай мажбурият ва чораларни ўз зиммасига олмаслик;

5.2.6. Қуйидаги ҳолатларда Микромолия ташкилотнинг биринчи талаби билан Микроқарз қайтарилиши бўйича қўшимча гаров таъминотини тақдим этиш:

- Қарз олувчининг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви;
- Гаров объекти ва/ёки унинг бир қисмининг йўқ қилиниши, қийматининг пасайиши, қисман ёки тўлиқ йўқотилиши;
- қарз қайтарилмаслик хавфини кўпайтирувчи бошқа омилларнинг пайдо бўлиши;

5.2.7. Суд қарори асосида Қарз олувчи – жисмоний шахснинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомалага лаёқати чекланган ёхуд тўлаш қобилиятига эга эмаслиги (банкротлиги) тан олинганда, унинг васийси ёки ҳомийси, меросхўри ёки яқин қадириндошлари микроқарзнинг асосий сумма бўйича қарздорликни микроқарздан аниқ фойдаланиш муддати учун фоизлар билан кечиктирмасдан тўлиқ тўлаши шарт.

5.2.8. Микромолия ташкилотининг микроқарз умумий суммаси ва ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариш тўғрисидаги талабини кечиктирмасдан бажариш.

5.2.9. Микромолия ташкилотининг талаби бўйича Микромолия ташкилоти кўрган, шу жумладан микроқарз бўйича (асосий қарз, фоизлар ва бошқалар) қарздорликни мажбурий ва/ёки муддатидан олдин қайтариш бўйича қабул қилинган чоралар билан боғлиқ бўлган барча харажатлари ва зарарларни қоплаш, шунингдек ушбу шартнома доирасида унидрувни тақдим этилган гаров таъминотига қаратиш.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Микромолия ташкилотига тақикланади: Жисмоний шахсга кредит (микроқарз) бериш шартномаси бўйича йиллик қарз микдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш.

6.2. Жарима санкцияларни тўлаш Томонларни ушбу Шартномада кўзда тутилган зиммаларидаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.3. Томонларнинг ушбу Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

6.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 325-моддасига мувофиқ айбдор томондан етказилган зарарни неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

## **7. Форс - мажор**

7.1. Агар Томонлар улар зиммасидаги мажбуриятларни тегишли даражада бажариши енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида мумкин бўлмай қолган бўлса, яъни аниқ вақт даври давомида аниқ шароитларда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар эканлигини исботлай олмасалар, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган Томон унинг шартларини бажаришда жавобгар ҳисобланади. Ушбу Шартнома Томонлари енгилмас куч ҳолатларига қуйидагиларни киритади: табиий офат (зилзила, сув тошқини, чакмоқ чақиши, вулқон отилиши, сел келиши, кўчки, цунами ва ҳоказо), Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиш жойида температура – ҳарорат, шамол кучи ва ёғингарчилик даражасининг инсон ҳаётий фаолияти нормасидан ортиқ бўлиши; ҳокимият ва бошқарув органлари мораторийси; қонуний белгиланган тартибда ташкил этилган иш ташлашлар ва мажбуриятларнинг тегишли даражада бажарилиши учун Шартнома Томонлари тарафидан енгиб бўлмас куч сифатида белгиланган бошқа ҳолатлар.

7.2. Форс-мажор ҳолати таъсирида қолган Томон, бундай ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб 7 (етти) календар кундан кечиктирмасдан бошқа Томонни хабардор қилиши шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолати бошланганлиги тўғрисида хабар қилмаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик форс-мажор ҳолати бошланганда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имкониятига важ қилиб келтириш ҳуқуқига эга эмас.

7.4. Форс-мажор ҳолати бошланганлигини важ қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум этилган Томон амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

8.1. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган томонлар ўртасидаги барча низолар ва ундан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шу жумладан шартнома бажарилмаслиги оқибатида юзага келган бажарилиши, ўзгартирилиши, бекор қилиниши, тугатилиши Микромолия ташкилоти жойлашган ҳудуддаги таълуқли судга ёки ФИБ Учтепа туманлараро судига, суд ишларини рус тилида юритган ҳолда, суд мажлиси баённомаситузмасдан кўриб чиқирилиши керак бўлади. У ёки бу судга мурожаат қилиш ҳуқуқи даъвогарда қолади. Бундан ташқари Қонунда кўрсатилган ҳолларда гаровга қўйилган мулкни ундириб олиш нотариал ижро хати орқали низосиз тартибда ҳал қилинади.

8.2. Микромолия ташкилоти суд органларига мурожаат қилганидан кейин Қарз олувчи томонидан микроқарз бўйича муддати ўтган қарздорликнинг тўланиши Микромолия ташкилотнинг микроқарз бўйича қарздорликни муддатидан аввал ундириш, шу жумладан ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

## **9. Шартнома шартлари ва амал қилиш муддати.**

9.1. Ушбу Шартнома Томонлар тарафидан имзолангандан кейин кучга киради.

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати Қарз олувчи микроқарзни тўлиқ қайтарган, ҳисобланган фоизлар, пеня ва бошқа пул мажбуриятларини тўлаган кунда якунланади.

9.3. Ушбу Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, ушбу Шартномада келишилган ҳолатлардан ташқари, иккала Томон тарафидан қўшимча битимни ёзма шаклда имзолаган ҳолда амалга оширилади.

## **10. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш.**

10.1. Ушбу шартномани тузиш билан, Қарз олувчи Микромолия ташкилотига унинг шахсий маълумотлари, шу жумладан, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари (шу жумладан, паспорт рақами, берилган вақти ва санаси, рўйхатдан ўтган манзили ва бошқалар); алоқага чиқиш учун маълумотлар (шу жумладан, телефон рақами, e-mail, почта манзили ва бошқалар); СТИР, ушбу шартнома мақсадига тегишли бўлган бошқа маълумотларни ҳар қандай мақсадда ишлов беришга розилик беради.

10.2. Розилик, шу жумладан шахсий маълумотлар билан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга берилади: йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар ва даражада тарқатиш, шу жумладан давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдим этиш, шахсий маълумотларнинг эгасизлантириш, блокировка ва йўқ қилиш.

## **11. Бошқа шартлар.**

11.1. Ушбу шартнома кучга кирганидан кейин, ўзаро муносабатларга алоқадор барча ёзишмалар ёки келишувлар, ўз кучини йўқотади.

11.2. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ барча ёзишма ва хабарномалар Томонларнинг ушбу шартноманинг якуний қисмида кўрсатилган почта манзилларига юборилади.

11.3. Ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган исми (номланиши), рўйхатдан ўтган жойи, ҳақиқий яшаш жойи, манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ва бошқа маълумотлар ўзгарган ҳолатларда, Томонларнинг ҳар бирибундай ўзгаришлар амалга ошган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида бошқа Томонни бундай ўзгаришлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11.4. Ушбу битимни амалга ошириш билан, Қарз олувчи келишувнинг муҳимлиги ва уни тузишнинг юридик оқибатларини тўлиқ тушуниб етиши, шу сабабли Шартномани тузиш янглишишлар, алдов, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли битим ёки мураккаб ҳолатлар (тутқинлик) таъсирида эмаслигини тасдиқлайди.

11.5. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

11.6. Қарз олувчи Микромолия ташкилотининг олдиндан ёзма розилигини олмасдан туриб ўз мажбуриятлари ёки ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказа олмайди.

11.7. Ушбу Шартнома узбек тилида 2 (икки) нусхада тузилди ва иккала нусха ҳам тенг юридик кучга эга.

## **12. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари**

**«MIKROMOLIYA TASHKILOTI»**

**«Қарз олувчи»**

**«CASH U MIKROMOLIYA TASHKILOTI»**

**МЧЖ**

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани,  
Сағбон 30 берк кўчаси, 9 уй

Манзил:

\_\_\_\_\_

р/с: №20216 000 105 068 367 001  
МФО: №01033 АКБ «Капиталбанк» Чорсу  
филиали

СТИР: 306365973

Тел: (78) 113 31 11

(91) 162 31 11



**Ижрочи директор**

паспорт сери                       
№                     , IV                       
томонидан                      йилда  
берилган  
Тел:                     

\_\_\_\_\_

**О.Х.Юлдашев**

\_\_\_\_\_